Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 21 октябрь, чоршанба № 207 (21.305).

2 МИЛЛИОН ТОННА ТАЙЁР!

АСОСИЙ ДОВОН ОЛДИНДА!

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Норбек ҚАЮМОВ шарҳлайди:

БУ йилги ҳосилга осонликча эришилаётгани йўқ! Бениҳоя машаққатли дамлар бошланди. Кўкламда ва ёзда бой берилган вақтнинг ўрнини кузда қоплаб олармиз, деб ўйлагандик. Аммо куз ҳам изғирин ва ёмғирли келди. Ғўзалар керагидан 200—250 даража кам иссиқлик олди, шу боисдан уларнинг ривожи 18—20 кун кечикди. Бунинг устига кетма-кет ёғингарчиликлар машина ишлатишга йўл бермаяпти.

Терим бошланганига салкам бир ой бўлсада, шай қилиб қўйилган 30 минг агрегатнинг ярмидан кўпроғи ҳали пахтазорга киргани йўқ. «Бункер» пахтасини тайёрлаш орқада қолаётганининг сабаби ҳам шу. Ҳолбуки, ҳосилнинг 60 фоизини машинада териб олишни режалаштиргандик.

Бултурги мавсумда пахтакорлар тўртинчи октябргача икки миллион тонна ҳосил тайёрлаган эдилар. Қанча орқада қолинганини ўзингиз ҳисоблайверинг. Меҳнат ҳам кўпроқ сарфланмоқда: бултурги иккинчи миллион тонна бир ҳафтада териб олинган бўлса, бу йилгисини теришга 12 кун кетди. **Ҳосилнинг асосий қисмини теримчилар ёрдамида тайёрладик, ҳозир пахтазорда бир миллиондан ортиқ киши ишламоқда. Механизаторлар ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Иккинчи миллион тоннанинг 40 фоизгача бўлган қисми машинада терилди.** Ҳар бир вилоятнинг ҳиссасига келганда, қашқадарёликлар 140 минг тоннадан кўпроқ улуш қўшдилар. Шунча ҳосилнинг қарийб тўртдан уч қисми машинада териб олингани диққатга сазовордир.

Тошкент ва Навоий вилоятларининг механизаторлари кунига энг кўп унумдорликка эришиб, ҳар бир машинада уч ярим, тўрт тоннадан пахта термоқдалар. Қўл теримида ҳозирча бухороликларга тенг келадигани йўқ. Ҳар бир теримчи ҳисобига кунига ўрта ҳисобда 71 килограмм тўғри келмоқда. Фарғоналиклар, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларининг пахтакорлари суръатни бўшаштирмай, республика пахта тайёрлаш жадвалида пешқадамлик қилмоқдалар.

Октябрь ойи иккинчи ўн кунлигининг охиригача еттита колхоз, 22 та совхоз, салкам мингта бригада меҳнатчилари йиллик топшириқни бажариб бўлдилар, уларнинг кўплари режадан ташқари ҳосил ҳисобига ҳар куни 2—3 фоиз пахта топшириб, ўзлари учун иқтисодий фаровонликни таъминламоқдалар. Улар орасида Косон туманидаги Алишер Навоий номли ва Абдулла Набиев номли, Ғузор туманидаги Улуғбек номли, Муборак туманидаги «Хитой», Шаҳрихон районидаги У. Юсупов номли совхозлар, шунингдек Шофиркон, Олот, Бўз, Олтинкўл туманларининг хўжаликлари бор. Республиканинг салкам ўнта тумани эрта-индин белгиланган маррага етиб боради.

Аммо ҳали олдинда жуда катта қийинчиликлар турибди. Ҳисоб-китобларга қараганда бу қийинчиликларни жойларда уюшқоқлик, рағбатлантириш омилларидан амалий фойдаланиб бартараф этса бўлади.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,69	65,15
Андижон	2,14	63,12
Бухоро	2,47	61,91
Наманган	2,50	54,59
Сурхондарё	1,89	51,82
Хоразм	2,18	50,38
Қашқадарё	3,10	49,64
Қорақалпоғистон Республикаси	2,61	41,17
Навоий	2,52	33,77
Тошкент	3,68	31,92
Сирдарё	3,23	20,30
Самарқанд	2,15	20,28
Жиззах	2,58	16,23
Республика бўйича	2,52	44,60
1991 йилдагиси	1,42	90,63

Ишонаверинг, етмиш центнердан ошди!

Ўзбек пахтачилигида 70 центнерчилик, ҳатто юз центнерчилик ҳаракатлари бўлганлигини биламиз. Ҳозир эски газеталарнинг сарғайган саҳифаларидаги мана шундай маълумотларга кўзингиз тушар экан, мийиғингизда кулиб қўясиз.

Турғунлик йиллари ҳамма нарса, ёлғон эди, деган сохта фикрни кейинги йилларда миямизга ҳадеб қуяверишгани оқибати бу.

Аслида эса пахта етиштиришнинг, ҳосилдорликнинг имкониятлари чексиз. Фурқат районидаги Қўқон давлат хўжалигидан 1,5 гектар ерни ижарага олиб, пахта эккан А. Ўринбоев звеноси буни исботлади.

Абдурашид ака ўз оиласи билан бирга Сирдарё соҳилларидаги кучли шўрланган ерга «Тошкент-6» навли чигит экканди. Йил бошидан буён оила аъзолари ғўзани соғлом ва серҳосил қилиб ўстириш учун астойдил ишладилар. Кекса пахтакорлар, тажрибали деҳқонлардан маслаҳат олишди. Абдурашид ака ўзи мактабда меҳнат таълими ва механизация соҳасидан дарс беради. Олий маълумотли инженер. У чопиқ тракторидаги культиватор ёнига ўрнатиладиган қўшимча мослама яратди. Мослама ғўзага ишлов бериш пайтида ғўза туплари остини ҳар икки томондан юмшатиб кетади. Ғўза маҳаллий ва минерал ўғитни тўлиғича қабул қилиб олади.

Оила аъзоларининг йил бўйи қилган меҳнатлари самарали бўлди. Звено пахта теримини хўжаликда биринчи бўлиб бошлади. Натижа эса ҳаммани ҳайратда қолдирди. Айримлар ҳатто етиштирилган ҳосилга ишонгиси келмай, қайта-қайта текшириб ҳам кўришди. Йўқ, ҳаммаси жойида.

Оилавий звено ўзига ажратилган ердан шартномадаги 4,5 ўрнига 11,5 тонна пахта ҳосили олди. Бу эса ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 76 центнерни ташкил этганлигини билдиради. Далада эса ҳали ҳосил кўп.

Абдурашид ака Ўринбоев звеноси ҳосилни чамалаб кўриб бу ердан яна 2 тонна пахта териб олиш мумкинлигини айтишди. Бунда эса ҳосилдорлик 86 центнердан ошиб кетади!

◆ Ижарачи звенолар оз ердан катта миқдорда ҳосил етиштириши мумкин. Бундай натижани ўнлаб, юзлаб ижарачи звенолар кўрсатмоқда. Ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши, пахтани худди ўз томорқасидаги экиндек парваришлаш мана шундай натижаларга олиб келар экан. Эҳтимол ўзбек пахтачилигининг келажаги Абдурашид Ўринбоев звеноси сингари ижарачилар меҳнатига боғлиқдир!

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекстон овози» мухбири.

• МАОРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ



УСТОД

Инсонга табиат ато этган энг улуғ неъматлардан бири — садоқат. Бундай ҳислатли одамлар ҳамиша ва ҳар қандай қийин даврда ҳам келажакка комил ишонч билан яшайдилар.

Ушбу суратда сизга сиполик билан, маъноли боқиб турган табаррук инсон ана шундай кишилар сирасига киради. Ҳожиакбар ака Қурбонов Тошкент кечки педагогика институтида ўқиб юрган кезларида — 1936 йилнинг октябрида она тили ва адабиёти муаллими ҳамда мактаб илмий бўлим мудири этиб тайинланганди. Ўшанда у навқирон 19 ёшда эди. Орадан роппа-роса 56 йил ўтибди. Қанча сувлар оқиб ўтди. Уруш, қийинчилик даврлари ҳаётнинг кўпдан кўп пасту баландликлари, қувончу ташвишлари ортда қолди.

Шунча вақтдан буён у муаллимлик касбида чексиз садоқат, меҳр-муҳаббат билан меҳнат қилиб келмоқда. У таълим берган ўқувчилар орасида ишчидан тортиб олим, ижодкор, санъаткор, жамоат ва давлат арбобигача бўлган шахслар етишиб чиққан. Домланн ўзига устод деб биладиган муаллимларнинг ҳам саноғи йўқ.

Ҳожиакбар ака Қурбонов қатъийлиги, талабчанлиги, хушмуомалалиги, тартиб-интизомни ёқтириши ва уларни йўлга қўя билиши туфайли бурноғи йили домлани 111-мактабга яна директор этиб тайинлашди. Яна дейишимизнинг боиси шуки, у шу билан мактабга тўртинчи бор раҳбарлик қилиши. Келиб-кетувчи, ўткинчи «раҳбарлар» ишни бўшаштириб, жўнаб қолишгач, ҳаргал устод муаллимнинг бой тажрибасига таянишга тўғри келди. Зотан, кўп йиллик фаолияти давомида домла мактаб ҳамда техникумда директор, илмий бўлим мудири, вазифаларида ишлаган. Мамлакат халқ маорифи аълочиси бўлган. Бир неча марта халқ депутатлари район, Тошкент шаҳар Кенгашларининг депутати этиб сайланган. Меҳнатда ибрат бўлганлиги учун қатор медаллар, Фахрий ёрлиқлар, «Мустақиллик» нишони билан тақдирланган.

Домла Ҳожиакбар Қурбонов Тошкентнинг Собир Раҳимов районидаги ўзи истиқомат қиладган «Маданият» маҳалласида ҳам узоқ йиллардан бери маҳалла қўмитаси раиси. Ҳар вақт элнинг тўйларига, маъракасига бошқош. Маҳаллада ҳам домланинг обрўси, ҳурмати баланд. Зеро, у одамларнинг қийин кунларига ярайди, қувончу ташвишларига шерик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, муаллим Ҳожиакбар Қурбонов яқинда табаррук 75 ёшга қадам қўйди. Инсон учун шундай ёшда ҳам ёшларга хос ишчанлик, фаоллик, ташаббус кўрсатиб, ғайрат билан меҳнат қилиш, мустақил элнинг хизматига камарбаста бўлишдан кўра ҳам катта бахт бормикин дунёда! Ҳаммамизга ҳам шундай ёш, шундай бахт насиб этсин.

Олимхон НАЗАР,
журналист.

• Уруғлик пахта:

ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Кеча бухороликлар мамлакат давлат омборларига 23 минг тоннадан кўпроқ уруғлик пахта топшириб, йиллик режани муваффақиятли адо этдилар.

Бешта элита уруғчилиги ва 15 та уруғчилик жамоа хўжаликлари аъзолари мутахассислар билан бамаслаҳат вилоятда, уруғлик пахтани энг яхши муддатларда етиштирдилар. Биринчи терим пахтасининг ўзинданоқ уруғлик заҳираси жамғариб қўйилди.

Ғиждувон туманидаги С. Айний номли ва Қоракўл туманидаги «Октябрь» элита уруғчилиги жамоа хўжаликлари вилоятда биринчи бўлиб бу соҳадаги режани бажардилар. Вобкент туманидаги Хайрулла Камолов номли, Иномжон Наимов номли, «Зарбдор», Ғиждувон туманидаги «Оқ олтин» уруғчилик жамоа хўжаликлари ҳам уруғлик пахта етиштиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Жамғарилган уруғлик пахта келгуси йил учун барча хўжаликларни таъминлашга етарли.

Қанча бўлди экан? Бояги тўкканимни ҳам ҳисобласам, яна бир... Ие, 6 тонна бўлибди-ю, демак бугунгиси...

Задарё туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчиси Содиқжон Маҳкамов — бугунги терим илгори. Кунига 8—9 тонна пахта термаса, даладан қайтмайди. Мўлжалга сал етмади деб, қоронгу тушса ҳам тераверади. Чунки у 180 тонна теришга, сўз берган. Уни уддалаш эса йигитлик бурчи.

СУРАТДА: илгор механик-ҳайдовчи С. Маҳкамов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистонда Покистон савдо-саноат палатаси федерациясининг президенти Миан Ҳабибулло бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

19 октябрь куни делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов қабул қилди.

Меҳмонлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шу йил ёзида Покистонга қилган ташрифи муҳимлиги таъкидланди. Ўша ташриф вақтида икки мамлакат раҳбарлари имзолаган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини очади.

Суҳбатда дипломатия аҳдлашувларини аниқ-тиниқ иқтисодий ўзаро алоқа соҳасига кўчириш билан боғлиқ жиддий масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорликни ривожлантириш, икки давлат ишбилармонлари ўртасида тажрибаларни баҳам кўриш ўзаро манфаатли руҳда бўлиши лозим ва мумкинлиги таъкидланди.

Суҳбатда Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шавкат Али шайх иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА МАОРИФИМИЗ МУАММОЛАРИ

● 20 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида муаллимлар, республика халқ маорифи ходимлари билан ушбу партия раҳбариятининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Халқ демократик партияси Раиси Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳамда республика ҳукуматининг мамлакатда халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида ўтказаётган изчил сиёсати, амалий ишлари ҳақида, шунингдек, мустақиллик шароитида халқ маорифи олдида турган долзарб муаммолар, уни миллийлаштириш ва янада равнақ топтириш истиқболлари, бунда ХДПнинг ўрни тўғрисида гап борди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ҳукумати ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун аниқ-равшан чора-тадбирлар кўраётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатда халқ маорифи, таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш учун қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов олиб борди. Учрашувда Марказий Кенгаш иккинчи котиби М. Қиргизбоев, котиблар — Ҳ. М. Абдуранимов, И. А. Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, республика халқ маорифи соҳасининг бошқа масъул ходимлари қатнашдилар.

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси ҳузуридаги Маслаҳат кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар «Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи жумҳуриятимизнинг бугунги ва келажакдаги тараққиётини белгилашда муҳим йўлланма бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар, Конституция лойиҳаси юзасидан фикр ва мулоҳазаларини айтдилар.

Мажлисда Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков сўзга чиқди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби ҳамда Республика Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган шаҳар фаолларининг семинари бўлиб ўтди. Мазкур семинарга жумҳурият Олий Кенгашига Тошкент шаҳридан сайланган депутатлар, Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг раислари, Тошкент шаҳар ҳокимияти бош бошқармалари, бошқарма ва бўлимларнинг раҳбарлари таклиф этилдилар.

Шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков семинарни қисқача кириш сўзи билан очди. «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Конституцион назорат комитети раиси Ш. З. Ўразаев янги Конституцияси лойиҳаси устидан олиб борилган ишлар, ушбу Асосий қонунимиз лойиҳасининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди. У семинар қатнашчиларининг турли саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиясининг раиси Ш. Темуров, Яккасарой райони ҳокими Ш. Т. Нусратов, Тошкент автомобиль йўллари институтининг ректори С. Пўлатов ва бошқалар семинарда сўзга чиқиб, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар. Улар Конституция лойиҳасига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ таклифлар айтишди.

* * *

19 октябрда Тошкент вилояти ҳокимиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси ва И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари, халқ депутатлари жумҳурият ва вилоят Кенгашларига сайланган халқ нойиблари таклиф этилди.

Йиғилишни Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев очди.

И. А. Каримов тарихий воқеага айланган китобининг муштарак мақсад ва маслаклари ҳақида «Ўзбекистон овози» рўзномаси бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаев маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамаси юзасидан Республика Олий Кенгашининг Конституцион назорат қўмитаси раиси Ш. З. Ўразаев янги Конституцияни яратилиш жабҳалари, ундан қамраб олинган муҳим қонунлар мажмуаси, янги ҳуқуқий ҳолатлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув ижро органларини ҳуқуқий фаолиятлари ҳақида, мустақил давлатимизнинг миллий давлат қурилмасида асосий ўрин тутган-қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимияти принципларига қатъий амал қилинганлиги ҳақида тўхталди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан нотиқлар ҳар иккала масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими И. Н. Саидов иштирок этди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИГА!

Қадрдон газетангиз — «Ўзбекистон овози» учун 1993 йилга обуна давом этмоқда. Сиз Янги йилнинг 1 январидан бошлаб газетани мунтазам ўқишни истасангиз, алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига ташриф буюриб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиринг.

Азиз газетхонлар! «Ўзбекистон овози» дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Шу боис газетага обуна бўлиш мақсадга мувофиқдир. Эслатиб ўтамиз: газета обуначига сотувдагига қараганда анча арзонга тушади.

● БИР ЙИЛГА — 384 СЎМ.
● ЯРИМ ЙИЛГА — 192 СЎМ.
● УЧ ОЙГА — 96 СЎМ.

Мирзамаҳмуд МУСАХОНОВ

ЧОРАК АСР ЁНМА-ЁН

Мен Шароф Рашидович билан 1948 йилда танишганман. У пайтда «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетасининг бош муҳаррири эди, мен эса енгил саноат халқ комиссарининг биринчи муовини эдим.

Орадан йиллар ўтди, ВЦСПС котиби бўлиб ишлаб юрган кезларда, 1959 йилда Тошкентга иш билан келдим. Шароф Рашидовични табриклаш учун Марказий Комитетга кирдим. У Марказий Комитетнинг биринчи котиблиги лавозимига сайланган эди. Узоқ суҳбатлашдик.

Суҳбат давомида кутилмаганда мендан сўраб қолдилар:

— Нима деб ўйлайсиз, Мирза ака, уддалай олармиканман?

— Тажрибангиз, билимингиз бор, ҳаётни яхши биласиз, бошқалардан кам жойингиз йўқ, ҳеч иккиланманг, дедим дадил. Айтганларим тўғри чиқди. Шароф ака тез орада ўзларининг амалий ишлари билан оғизга тушдилар. Нималарга қодир эканликларини кўрсата бошладилар, халқнинг ишончи, меҳри муҳаббати ошди.

Орадан 2 йил ўтди. 1961 йилда Москвага келдилар. Яна учрашдик. Менга: «Тошкентни қўмсамадингизми, қайтсангиз, яхши бўларди, бирга ишлардик» деб қолдилар. Бу таклиф менга қанот бағишлади. Розилик бердим. Она юртга қайтиш иштиёқи кучайди менда. «Бажонидил бораман» дедим қатъий.

Худди шу — 1961 йил мени Тошкентга таклиф қилиб қолишди. Тўппа-тўғри Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига олиб келишди. Шу куни Пленум чақирилган экан. (Мен Марказқўм аъзоси эдим). Йиғилишда иштирок этишимни айтишди. Ҳеч гапдан хабарим йўқ. Ташкилий масала кўрила бошлагач, мажлис раиси менинг номзодимни тилга олиб қолди. Мени Марказқўм котиби ва бюро аъзоси қилиб сайлашди. Шу кундан бошлаб бутун фаолиятим Шароф Рашидов билан боғланди ва 25 йил давомида у киши билан ёнма-ён бўлиб, раҳбарликларда ишладим.

Шароф Рашидович табиатан босиқ-вазмин, андиша ва мулоҳазали, зийрак ва синчков, мушоҳадаси кенг, маънавий дунёси бой ва ўта маданиятли одам эди. Ҳамиша мулойим, шу билан бирга талабчан эди. Вазифа ва топшириқларни шу қадар аниқ ва лўнда қўярдики, изоҳга ҳожат бўлмасди. Маъмурий буйруқ асосида эмас, ётиғи билан: «Бу ишларни Сиз билан биз бажармасак, ким қилади?» дердилар. Шундан сўнг топшириқни уддалайолмаслик у ёқда турсин, чалароқ бажаришга ҳам уялардик, ҳаммамиз. Муомала маданияти кучли эди у одамда. Менга, масалан ёшимни ҳурмат қилиб: «Мирза ака» деб мурожаат қилардилар.

Шароф Рашидов республикани бошқарган йилларда, маълумки барча иттифоқчи республикаларга марказдан туриб ягона раҳбарлик сиёсати ҳукмрон эди. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошсак, у кишига қанчалик оғир бўлганлигини чуқурроқ ҳис этамиз. Гап шундаки, бутун тараққиётимиз, иқтисодиёт марказга боғлиқ эди. Юқоридан — СССР Давлат режа қўмитаси томонидан вужудга келтирилган чеклашлар, ҳамма нарсанинг тақчиллиги республикамизни ҳар бир жиҳатдан чеклаб қўйган эди, бу эса энг заиф жойлигини мен ҳам яхши билардим. Бир пайтлар Ўзбекистон Давлат режа қўмитасининг раиси, сўнгроқ Компартия Марказий Қўмитасининг котиби, кейин Республика Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаганимда мен Москвада, СССР Давлат режа қўмитасида Москванинг ўзи томонидан белгилаб берилган ишлаб чиқариш режасини тасдиқлаш ва молия, пул, материаллар ва асбоб-ускуналарни ундириш қанчалик қийин бўлганлигини ўз бошимдан кечирганман. Ҳар доим режалар пул ва моддий техник таъминот етишмайдиган қилиб тасдиқланарди.

Шароф Рашидов ана шундай шароитда республикага раҳбарлик қилди. У жуда катта ижодий қувватга эга бўлиб, фаолият қамрови ниҳоятда кенг эди, ҳамма вақт янгиликни излар, доим халқ орасида бўлишга интиларди. Ёзувчи сифатида у ҳаётнинг маънавий соҳасини жуда яхши ўзлаштириш билан бирга йирик партия ва давлат арбоби эди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан ва маданиятнинг нозик ва мураккаб масалаларига зўр маҳорат билан тушуниб етарди. У одамларни руҳлантира олиш, уларни энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишдек ноёб фазилатга эга эди. Шароит республика, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳамма раҳбарларидан жуда катта ташкилотчилик қобилиятини талаб қиларди. Саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, қурилишларнинг аксарият кўпчилик раҳбарлари билимдон, ишга лаёқатли мутахассислар эдилар. Шаҳар ва қишлоқлар меҳнаткашларидан фидокорона ишлаш талаб қилинарди. Шунга яраша одамлар режалар бажарилишини таъминлаб, вақтдан ўзиб ишлардилар. Мамлакатнинг кўпгина вилоят ва шаҳарлари билан таққослаганда буни яққол сезиш мумкин эди. Кабель, авиация, «Ташсельмаш», трактор, «Фотон», «Миконд» заводлари, тўқимачилик комбинати каби йирик корхоналар мамлакатда етакчи ҳисобланарди. Қурувчилар миллионлаб квадрат метр уй-жойларни, Чирчиқ «Электрокимё» комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия заводи, метрополитен, Халқлар дўстлиги саройи, телевизион минора сингари мураккаб иншоотларни бунёд этгандилар, замонавий Тошкентни ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларни қуриб бергандилар...

Қишлоқ хўжалигида аҳвол оғир эди. Республикада янги ерларни ўзлаштириш, суғориш, мелиорация, қишлоқ хўжалиги экинларини, айниқса, пахтани парвариш қилиш ва йиғиштириб олишни механизациялаш юзасидан жуда катта ишлар олиб борилди. Иттифоқ ҳукумати доимо пахта етиштиришни кўпайтиришни талаб қиларди. Пахта териш машиналарини, ирригация-мелиорация механизмларини яратиш ва ишлаб чиқаришдек мураккаб масалалар ҳам Ўзбекистон зиммасига юклатилган эди. Бу ишларнинг ташкилотчиси Ш. Рашидов эди. Унинг Москвадаги кучли алоқалари, обрўси ва қатъияти кўп ишларни Иттифоқ ҳукуматида ҳал қилиш имконини берарди.

Бу сурат 1982 йилда олинган. Ш. Р. Рашидов ва М. М. Мусахонов Тошкент вилоятининг Зангиота (собиқ Калинин) районидаги «Рассвет» давлат хўжалигида.

КИЧИК МАЪЛУМОТНОМА: Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович Мусахонов 1912 йилда туғилган. Енгил саноатнинг малакали мутахассислигидан йирик партия ва давлат арбобигача бўлган улғайиш йўлларини босиб ўтган: енгил саноат халқ комиссарининг биринчи муовини, ВЦСПС котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат бўйича котиби ва бюро аъзоси, Партия — Давлат назорати Комитетининг Раиси, Республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент вилоят партия Комитетининг (1970—1985) биринчи котиби...

Мирзамаҳмуд Мусахоновнинг юқори лавозимлардаги бутун фаолияти, унинг жамоатчилик томонидан эътироф этилган таниқли шахс сифатидаги шаклланиши Шароф Рашидович Рашидов номи билан чамбарчас боғлиқдир. У чорак аср давомида Ш. Р. Рашидов билан ёнма-ён ва ҳамнафас бўлди. Рашидов амалга оширган жуда катта бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этди.

Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдидан биз М. М. Мусахоновнинг Шароф Рашидович ҳақидаги айрим хотираларини эълон қиламиз.

Ш. Рашидов Ўзбекистонда раҳбарлик қилган чорак аср мобайнида жуда кўп ишлар қилинди. Ютуқларни республика шаҳарларида ҳам, районларида ҳам кўриш мумкин. Улар барча вилоятларда бор. Уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин. Фақат биргина мисол келтирмоқчиман. Бугунги пойтахт Тошкент — Ўзбекистоннинг ҳусну жамоли ва фахридир. Тошкентга Ш. Рашидов доимо катта эътибор берар, шаҳарни у жуда севарди. Буни 1966 йилги даҳшатли зилзиладан кейин шаҳарни тиклаш ишида кўрсатди.

Ўшанда Тошкент жуда катта зарар кўрган эди. 37 минг бино, 95 минг хонадон, 652 та болалар тиббий муассасалари бинолари, мактаблар, ўқув юртлари, 689 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, 300 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, 84 та маъмурий бино вайрон бўлган ва зарарланган эди. 300 минг аҳоли бошпанасиз қолганди. Транспорт ва алоқа жиддий зарар кўрганди. 1966 йили 709 марта, 1967 йили эса 194 марта ерости силкинишлари бўлгандики, бу жуда катта фожиа эди. Ҳаммаси бўлиб 803 марта табиий офат тошкентликларни синовдан ўтказганди.

Бундай оғир вазиятда Ш. Рашидовнинг иродаси, тажрибаси, билим ва катта ташкилотчилик қобилиятлари ҳал қилувчи омил бўлди. Тошкентликлар оғир имтиҳонга чидадилар ва ўз шаҳарларини қайта тикладилар. Шароф Рашидов шаҳарни тиклаш масалалари билан шахсан шуғулланди ва зилзила оқибатларини тугатиш ҳукумат комиссияси ишини қўллаб-қувватлаб турди. Унинг куч-ғайрати, марказдаги юксак обрўси, республикалардаги ҳурмати Тошкентни тиклаш ва янгидан қуриш ишини ҳозирги мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги барча давлатларининг халқаро ёрдам тадбирига айлантирди. Барча республикалар ўз куч, маблағ, материаллари ҳисобига Тошкентда бир миллион квадрат метр уй-жой қуриб бердилар, бу уй-жойлар болалар ва мактаб муассасалари билан биргаликда қурилган эди. Ана шу ишларни амалга ошириш учун Тошкентда бошқа шаҳарлардан келган 25 минг қурувчи машғул бўлди.

Тошкентни тиклаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланди. Масала илмий асосланиб, далиллаб берилиши натижасида пойтахт-шаҳарни юзаки таъмирлаш эмас, балки янги Тошкентни қуриш дастури, бош режаси ишлаб чиқилган эди. Шу юқорида айтилганларни аниқ биламан, чунки ўша пайтда зилзила оқибатларини тугатиш Республика комиссиясининг раиси эдим.

...Мен Шароф Рашидовичнинг самарали иш фаолияти билан бирга шахсий ҳаётидан ҳам хабардорман дея оламан. У имкони борича ўз оиласи билан бирга бўлишга ҳаракат қиларди, уйда, оила даврасида у кишини ҳамиша тетик, очиқ чеҳрада ва қувноқ ҳолда кўриш мумкин эди.

Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек Шароф Рашидовичнинг рафиқаси Хурсандой опа ҳам унга жуда мос эди. Шароф акадаги барча хислатлар опада мужассамлашган, ўта меҳрибон, дилкаш ва зукколиги туфайли кўпчиликнинг эътиборини қозонган. Хурсандой опа Шароф Рашидовга рафиқагина эмас, балки мустаҳкам таянч ва маслаҳатгўй ҳам эди. Умуман бу оила ибрат олса арзийдиган аҳил, иноқ, тотув бир хонадон эди. Фарзандлар эса ўта боадаб, ақлли, хушли ота-онанинг иззат-ҳурматини ўрнига қўярдилар ва уларнинг изидан эдилар. Шароф Рашидович вафоти ва шундан сўнг юз берган воқеалар туфайли бу оила қанча вақт руҳий азоб ва кулфат чекди. Лекин падарнинг хотираси, қадр-қиммати ва ҳурматини ҳаммадан юқори қўйдилар.

Шароф Рашидович бошқа республикалар ва турли миллатга мансуб халқлар билан доим дўстона муносабатда бўлиш, ўзаро ҳамкорлик қилишнинг ташаббускори бўларди.

...Шароф Рашидовичда юксак инсоний фазилатлар кучли эди. 40 йилдан ортиқроқ вақт бу зотни билганлигим сабабли бунга кўп марта иқрор бўлганман. Биргина мисол келтириб ўтаман: 1976 йили мен ҳозирда марҳум рафиқам Жамилахон билан ГДРда дам олардик, у ерда рафиқам қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Ўша ерлик дўхтирлар ҳар қанча уринишмасин, ёрдам беришолмади. Қандайлигини билмадим, бу воқеа Тошкентда Шароф Рашидовичга дарҳол маълум бўлиб қолибди. Ўша кундан бошлаб мен билан бирга рафиқамнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилди, астойдил қайғурди. Рафиқам дарҳол ҳарбий госпиталга ётқизилди, уни малакали дўхтир даволай бошлади. Шу кезларда Шароф Рашидович муолажа қандай кетаётганлиги тўғрисида мунтазам хабар олиб турарди. Аҳвол оғирлашиб қолганда, унинг ёрдами билан ўша куниёқ болаларимни Тошкентдан Германияга етказиб келишди. Аҳвол яна ҳам мураккаблашгач Шароф Рашидович ҳарбий маъмурлар орқали махсус самолётда рафиқамни Москвага олиб келишга ва Кунцево касалхонасига ётқизишга ёрдамлашди. У қанчалик одамийлик қилгани, дўстона меҳрибонлигини сўз билан таърифлай олмайман! Биламанки, буларнинг ҳаммаси мен юқори мансабни эгаллаб турганлигим сабабли эмас, балки бировларга мурувват қилиш, оғир пайтда ёрдам беришга одатланганликларининг ёрқин исботидир.

Бахтсизлик кетма-кет келади, дейишади. Унинг вафотидан сўнг республикамиздан омад кетди, бир-биридан оғир ташвишли кунлар бошланди.

Халқимиз 1984-89 йилларда «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталган машъум уйдирмадан иборат фожеани бошидан кечирди. Минглаб бегуноҳ одамлар таъқибга учради, халқнинг ва республиканинг шаъни ва обрўси оёқ-ости қилинди.

Азобланганлардан бири мен бўлдим... Тўқилган уйдирма ва иғво туфайли қамалганлар сингари мен ҳам қанчадан-қанча даҳшатли сўроқларни, руҳий қийноқ ва азобларни, ҳақорат, топташ ва таҳқирларни, отиб ташлаш билан қўрқитишларни ўз бошимдан кечирдим. Руҳиятга таъсир қилувчи дориларни кўп марта беришди, ақл-ҳушдан оздирувчи уколлар билан ўзимни идора қилолмаслик даражасига етказишдики, бунинг оқибатида ўзларига қўл келадиган «ҳужжат»лар олишга уринишди. Тергов давом этган икки йил мобайнида мени ашаддий рецидивистлар — ўғри-каззоблар ва қотиллар билан бирга ушлаб туришди, бундай маҳбуслар терговчилар билан тил бириктирган кишилар бўлиб, уларга хизмат қилишарди, ҳақоратлашар, қийнашар, дўппослаб уришарди, шу усул билан терговчиларга керак бўлган кўрсатмалар ёзиб беришни талаб қилишарди. Ўзлари тўқиган айбномаларни тан олдиришнинг энг ваҳшиёна усулларини қўллашгача бориб етишди: қизим билан ўғлимни ғайриқонуний тарзда қамоққа олишиб, беш ой ушлашди, азоблашди. Муддоаларига эришаолмагач, уларни озод қилишга мажбур бўлишди.

Менга машъум айб қўйишди: пўё порахўрлик билан шуғулланган эмишман. Суд жараёни давомида бундай айблаш учун ҳеч қандай асос йўқлиги маълум бўлди.

Аслида мени узоқ вақт Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Марказий Комитет бюроси аъзоси бўлганлигим ва кўп вақт Шароф Рашидович билан биргаликда ишлаганлигим учунгина қамоққа олишган эди. Мени қамашганлигининг яна бир муҳим сабаби шунда эдики, мен ўша шов-шув қилинган машҳур 16-Пленумда нутқ сўзладим. Йирик пойтахт вилоят комитетининг биринчи котиби сифатида менга сўз беришганди. Юқоридан қатъий ва маълум топшириқ бўлганлигига қарамай ўшанда ўз сўзимда Шароф Рашидович шаънига ҳеч қандай ёмон гап айтмадим, виждонимни сотмадим. Бундай «ўзбошимчалик» Пленум «режиссёрлари»га ёқмади, албатта...

Худога шукур, ҳозир уйда, ўз болаларим ва дўстларим даврасидаман. Бутунлай оқландим, шармандали доғ ювиб ташланди. Дунёга янгидан келгандай бўлдим. Лекин ҳақиқат ва адолатга эришиш қанчалик машаққатли бўлди!

Мен Москвага — «энг юқори»га неча бора ёзмайин, ҳеч ким заррача эътибор қилмади, ҳатто жавоб ҳам ёзишмади. Ҳақиқатни аниқлаш тўғрисидаги қаттиқ илтимосларимни, азоб чеккан қалбим нидосини фақат мустақил Ўзбекистон Республикамдагина эшитишди. Биринчи бўлиб Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов эшитди...

Ҳозир ўзимдан ўзим сўрайман: Республика нега бунчалик даҳшатли аҳволга тушиб қолди? «Ўзбеклар иши», «пахта иши» қаидай пайдо бўлди? Менимча бу саволларга дарҳол бир хил жавоб бериш мушкул. Лекин шуни ишонч билан айтаоламанки, Ш. Рашидов ўлимидан сўнг биринчи раҳбарлик лавозимини эгаллаган ворислар бу юксак ишончга муносиб бўлишаолмади. Республикамиз қадри, обрў-эътиборини, адолат ва ҳақиқатни, халқимизни асоссиз таъна-дошномлардан, бўҳтон ва уйдирмалардан, зўравонлик йўли билан қилинган оммавий таъқиблардан, қонунларнинг оёқ-ости қилинишидан ҳимоялашга ожизлик қилишди, ўз шахсиятлари, мартабалари йўлида хиёнаткорона тобеликни афзал кўришди, «ҳалоллик», «тўғрилик» ва «поклик» ниқоби остида марказдагиларга «лаббай» деб, уларнинг тегирмонига сув қуйишди, республикамизда «тартиб ўрнатиб беринглар» деб илтижо қилишди.

Бундай вазиятда ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва уюшқоқлик етишмади, пароканд-далик авж олди.

Шароф Рашидов амалга оширган барча улуғвор ишлар тафтиш қилиниб, ҳасадгўйлик билан қора пардага ўраб кўрсатилди. Унинг сафига бирлашган кўпгина тадбиркор, ишбилармон, фидойи раҳбарлар камситилиб четга суриб ташланди, ёмонотлиққа чиқарилди.

Инсоф билан холисона айтганда, Рашидовнинг Ўзбекистон равнақи йўлида қилган буюк хизматлари, амалга оширган улкан қурилишлари унинг пок номи билан абадиятга даҳлдор эмасми?

Бунёд этилган йирик саноат корхоналари, нурхоналар, муҳташам уй-жой бинолари, бири-биридан кўркам шаҳар ва қишлоқлар, фан ва маданиятнинг муаззам кошоналари Шароф-Рашидовнинг жасорати, ташкилотчилиги ва қатъият билан олиб борган саъйи-ҳаракатлари туфайли бунёд этилган тарихий обидалар эмасми? Улар яратувчиликни тилсиз, лекин ёрқин тимсоли сифатида мағрур қад ростлаб туришибди-ку! Ўзлаштирилган юз минглаб гектар яйдоқ саҳролар, сувсизликдан қаҳраган чўл-у биёбонлар бугун ўз бойликлари, бепоён пахтазорлари, сермаҳсул далалари, обод ва серфайз қишлоқлари, анвойи нозне-ъматлари, сўлим гўшалари ва гўзал боғ-роғлари билан қадамидан гуллар унган ташаббускор бош раҳбар етакчилигида амалга оширилган қудратли меҳнатнинг нақд самаралари эмасми?

Мен ана шуларни ўзимча сарҳисоб қилар эканман, ҳамкорлик йилларини хотирлар эканман, унинг нақадар улуғворлиги, алоҳида улкан шахс эканлигини янада чуқурроқ ҳис этаман. Рашидов билан ўтказган 25 йиллик давр менинг учун чинакам ҳаёт ва тажриба дорилфунуни эканлигига такрор-такрор иқрор бўламан. Унинг номини улуғлайлик, одамлар деб ҳайқиргим келади.

Шароф Рашидов орзу қилган кунларга етказганига, истиқлолга эришганимизга шукр қиламан. Республикамизнинг омади юришди. Унинг тақдири ҳозир ишончли қўлларда. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, мард ва қўрқмас, ғайрат ва шижоатли, тараққиётнинг қон томири бўлган иқтисодиётни яхши биладиган раҳбар — Президентимиз халқ ишончи ва эътиборини қозонди. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг амалий ишлари ва катта жасорати билан республикани жаҳонга тан олдирди, мустақиллик байроғини баланд кўтарди. Бугунги Ўзбекистоннинг қадр-қиммати, мағрур овози билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Қўлга киритилган мустақиллиги мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш эса ҳар биримиз учун муқаддас бурч, фарз ва қарздир!



И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўқиб

УЛУҒ МАҚСАДЛАРГА ЕТАКЛАЙДИГАН РИСОЛА

ВАТАН ОСТОНАДАН, ЖАМИЯТ ОИЛАДАН, БИЛИМ МУТОЛААДАН БОШЛАНАДИ

Биз аҳволимизни яхшилашмоқчи бўлсак, аввало фарзандларимизга яхши дарсликлар, китоблар яратиб беришимиз керак. Уларнинг нимани ўқишлари бизни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Шу жиҳатдан олганда ижтимоий фанлар ўқитувчилари, айниқса, файласуфлар учун ушбу рисола ғоят қимматлидир. Назаримда уни олий ўқув юртларида ўрганишни йўлга қўйиш керак. Сабаби, ҳозир энг муҳим масала Ўзбекистон ҳукумати, Президент олиб бораётган сиёсатнинг моҳиятини барчанинг онгига етказиш ва олдимизда турган вазифаларни теран англашдан иборат. Файласуфлар айтганидек, эртага нима қилишини билмаган одам энг бахтсиз инсондир. «Нима қилмоқ керак?» деган саволга эса рисоладан жавоб топиш мумкин.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан сингади. Бундай маънавиятни тиклаш, уни ёшлар онгига сингдириш учун тарбиячиларимиз кўп меҳнат қилишларига тўғри келади.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, — деб ёзади Ислом Каримов, — улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқсиз фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».

Рисолада таъкидланганидек, халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Вазифа шундан иборатки, халқимизни, хусусан ёшларимизни ана шу маънавияти кенг, нурли сиймолар ижодига садоқат руҳида тарбиялаш керак. Улар ижодини чуқур ўрганиш халқимиз онгини бойитади.

Шу жиҳатдан Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти файласуфлари ўтаётган лекция ва амалий машғулотлар буюк аждодларимизнинг номларини тиклашга ва меросини чуқур ўрганишга бағишланмоқда. Умуман Ўзбекистонда таълим тизимининг такомиллашаётгани барчани қувонтиради. Ёшларда ўз кучига ишонч пайдо бўляпти. Айниқса, бу йил тест-синовларининг жорий этилиши катта воқеа бўлди. Унинг натижаларига кўра ажойиб иқтидорли ёшлар олий ўқув юртларига қабул қилиндилар. Давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг қўллайди, деб умид қиламиз.

Донолар нақл қиладиларки, оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир. Рисолада жамият ва оила муаммоларига катта эътибор берилган. Чунки мустаҳкам оилалар мустаҳкам жамият демакдир. Оила инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, бахт келтиради. Оила энг аввало давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир.

Оилада фарзанд тарбияси ҳам бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Педагогларимиз айтганидек, тартиб-интизомнинг энг зўр мактаби — оила. Бола тарбиясининг бош мактаби эса эру хотин, ота-онанинг ўзаро муносабатидир. Шуни унутмаслик керакки, инсон табиатига болаликда сингдирилган фазилатларгина мустаҳкам ва ишончли бўлади. Бунда ота билан она асосий тарбиячи деган ақидага амал қилиш керак. Тарбия масаласида майда нарса йўқ. О. Бальзак «миллатнинг келажаги оналар қўлидадир» деб бежиз айтмаган.

Рисолада таъкидланганидек, «Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир». Оила, мактабда, олий ўқув юртларида ёшларимизни мамлакатидан фахрланадиган ифтихор қиладиган, шу мамлакат учун курашадиган, лозим бўлса жонини ҳам аямайдиган кишилар қилиб тарбиялашимиз керак. И. Каримов ёзганидек, ўз оиласи, наслнасаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир. Бу энг аввало оилавий анъаналарни авайлаб сақлаш ва бойитиш, ота-боболар муборак номларига доғ туширмасликка интилиш, ўз меҳнати, билимлари билан насл-насаб обрўсини мустаҳкамлаш, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиш истагидир. Ватанга содиқлик оиласининг, авлод-аждодларининг номус-ориа, инсоннинг шахсий виждонига, бурчига ва ўз сўзига содиқлигига бориб тақалади.

Китоб Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта воқеадир. Биз фарзандларимизнинг яхши тарбияси туфайли, улуғ алломаларимиз бебаҳо меросига садоқатимиз, маънавий қадриятларимизни авайлаб-асрашимиз, аҳиллигимиз, тотувлигимиз, меҳнатсеварлигимиз, тадбиркорлигимиз, ишбилармонлигимиз туфайлигина мақсадга етишимиз мумкин. Рисола ана шундай ишонч руҳи билан суғорилган.

Т. САТТОРОВ,
Ж. БАҲРОНОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳи доцентлари, фалсафа фанлари номзодлари.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

15 ИШ КУНИДА

⊙ Қўнғирот районидаги «Хоразм» давлат хўжалиги шоликорлари 15 иш кунида 10 минг тоннадан кўпроқ шоли тайёрлаб, Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб шоли тайёрлаш режасини адо этдилар.

Шоликорлар 3400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтардилар.

Реимбой ЕШИМБЕТОВ.

ИИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

⊙ Янгибозор туманидаги «Амударё» ҳамда «Янгиариқ» давлат хўжаликлари шоликорлари давлатга шоли сотиш йиллик режасини муддатидан олдин уддалашди.

Давлат хазинасига «Амударё» совхози жамоаси 6100 тонна, «Янгиариқ» совхози шоликорлари 3400 тонна қирмизи дон топширдилар. Ҳар иккала пешқадам хўжаликда эришилган ютуққа пудратчи оилалар салмоқли улуш қўшдилар. Амударёликлар ялпи хирмонни 8500 тоннага, Янгиариқликлар 4500 тоннага етказиш учун шоли янчиш ва давлатга топширишни жадал давом эттиришяпти.

ҚУМ ЎРНИДА ДУР УНДИРИЛДИ

⊙ Шоличиликка ихтисослашган «Қўшкўпир» давлат хўжалиги миришкорлари қум барханлари ўрнида ўзлаштирилган 300 гектар майдонга чигит қадашган эди. Серташвиш ва машаққатли бўлса-да фидокорона меҳнат ўз самарасини берди.

Заршунослар эл хазинасига 600 тонна дур тўкиб, дастлабки довондан ошдилар. Ҳосилнинг асосий қисми агрегатлар ёрдамида терилди. Шоликор хўжалик заршунослари давлатга яна 200 тоннадан зиёд хом ашё сотиш ниятида.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА

Бош сўзи

Қатор нашриётларда китобларинг кун юзини кўрмай, жавобсиз ётган, ноширлар қулоғига пахта тиқиб олган бир даврда, яхши ҳамки кундалик рўзномалар бор. Бот-бот эслаб, ўқувчи олдидаги қарзингни ёдга солиб туради.

«Ўзбекистон овози»нинг қадимдан келаётган яхши анъаналари кўп.

Инсон қадрини, қаддини тиклаш халқнинг руҳини кўтариш, уни меҳнатга, ижодга, меҳру муҳаббатга рағбатлантиришдир. Йигирманчи йиллар ҳақиқати, жадидлар ҳақидаги Ростни сўзлаш, халқимиз яратган маҳобатли қурилиш иншоотлари қаҳрамонлиги ортидаги бизга номаълум фожиалар, шахсга сиғиниш қурбонлари, илдизи қўпорилиб, қорқуюн ўлкаларига бадарға қилинган асл деҳқонлар қисмати... Булар — ҳали сўқмоқ тушмаган бизнинг армон тоғларимиз. Булар хусусида биринчи сўзлар энди айтиляпти. Мўътабар газетимиз ташаббусни ўз қўлига олса, савобга ботган бўларди. Чунки, бирор элатда битта арвоҳи чирқираган зот бўлса, ўша юртнинг иши юришмайди дейдилар.

Устозлар: Ойбек ва Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ва Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия ва Саида Зуннунова ижодхонаси нури билан файзиёб бўлган саҳифада қатнашиш—мен учун имтиҳон.

МУАЛЛИФ.

Кўзгу

Баҳри хола деганларидан.

Бўз бола ошиқ бўлса,
Кирк туялик бой бўлур.
Қиз бола маъшуқ бўлса,
Ун тўрт кунлик ой бўлур.
Чалма чалгонинг бўлай,
Чаллаб олгонинг бўлай,

Эрни эр қилур аёл,
Қаро ер қилур аёл,
Юрт сўраган шоҳни ҳам,
Мусофир қилур аёл,
Чалам чалгонинг бўлай,
Чаллаб олгонинг бўлай.

Тоғда тумон кўрингай,
Боғлар хазон кўрингай,
Ёрсиз ўтган йўлларда
Шубҳа—илон кўрингай,
Чалма чалгонинг бўлай,
Чаллаб олгонинг бўлай,

Қиёматлиқ бозорим,
Дунёда йўғу борим,
Куйса-куйгулик ёрим,
Суйса-суйгулик ёрим,
Чалма чалгонинг бўлай,
Чаллаб олгонинг бўлай!

Август, 1992 йил.

Ёд дафтаридан

Биринчи март, 1990 йил.

Бугун Зулфия опанинг туғилган кунлари. Ҳар йили шогирду мухлислар жам бу хонадонда. Зулфия опа узун хонатлас кўйлакда яйраб юрадилар. Ҳамма ёқ гул. Бир ён деворда Ҳамид Олимжон сурати илинган. Бир томонда Чингиз Аҳмар муаллим мўйқаламига мансуб сурат. Зулфия мунис ва ўктам нигоҳда жонланади. Нимадир демоқчидай. Чала қолган шеърними, чала қолган сўзларними шивирламоқчи ўз маҳбубига... Гулдонлардаги гуллар — чаманнинг бир парчаси. Мана бу ялоқ саёз гул кўзада — бойчечак. Сариқ ипакдек нафис. Томирлари чироқ пилигидай. Опанинг набираларини боққан бахмаллик Фотима ая ҳар баҳор бошида бойчечак юборарканлар. Ая оламдан ўтган. Энди фарзандлари бахмал бойчечакларини шоиранинг таваллудига туҳфа этиб олиб келишибди. Бахмал баҳори, даштнинг нафаси, югурик жилғаларнинг тиниқлиги, меҳр-эътиқод бор эди бу майин ва нозик гулда...

* * *

Ун еттинчи февраль, 1990 йил.

Намозшом ёмғир қуйди. Кечаси билан тинмади. Шаҳар туман ичида қолди. Елинлари тўлиб, лорсиллаб булут кезади. Ёмғир шивалайди елинларидан. Шаҳар шовқини ёмғирга қўшилиб, шар-шараклар товушига ўхшайди. Юрагим булутлардай обиҳаётга тўлиб, қоғоз саҳросига илҳом ва фикр дўлларини ёғдирадир. Юрагим қизийдир, ҳапқирадир. Баҳорнинг эпкинлари димоғимга уриладир. Саргайиб, қовжираб кетган барглариними ерга силкитиб улгурмаган чинорлар танаси пўрсиллаб тургандай. Тераклар танасига яшиллик югурган. Тол эса қуртаклари бўртиб қолган. Ҳадемай кучала ташласа керак. Саккизинчи қават айвонидаги бозберак пириллаб айланади. Олам бағри юмшаган. Осмон кўпчиган. Бинолар томларидаги ёмғир кўлмаклари ялтираб кўринадир. Баҳор келаётир. Умрнинг янги кўклами. Янги гул фасли. Табиат беҳад сахий, куйчи, раққоса, сеҳргар бўладиган мавсум. Юрагимда шеър шивирлайди, шеър...

* * *

8 январь, 1989 йил.

— Бизнинг кулфатимиз шундаки, заминимиз бенаҳоя бойдир, — дейишади комиликлар. Ўнта Белгияга тенг келадиган кичкина Коми Сталин даврида маҳобатли маҳ бусхоналарга айлантирилди.

— Бизнинг юртимиз-чи? Бебаҳо хазина, тупроғи олтин бу ўлка ялпи пахтазорга айланди. Навоий ва Ҳофиздан ғазал айтмаса тўйи ўтмайдиган ўзбекнинг мияси пахтанинг гарди билан, бутифоснинг заҳри билан тўлди. Лекин эгни бут, қорни тўқ бўлмади. Бу кунлар тезроқ ўтармикан! Косаси оқармаган халқ ўзига бек бўлармикан?

Савол

Биринчи тўпламим— «Шабнам» дунё юзини кўрди. Бухорога жўнадим. Ҳар галгидай онам тонг азонлаб ҳовлини супуриб, дарвозани ланг очиб, мол-ҳолни тинчитиб, ширчойни қайнатиб, йўлга қараб турган эканлар. Мен йўлга чиққан кеча онамга аён бўлиб, ухлолмай чиқарканлар. Хурсанд бўлиб кетдилар:

— Кўзгинамнинг олдидан ўтиб турувдингиз, бачам, — дедилар хўрсиниб.

Мен китобимни кўрсатиб, суюнчи олмоқчи бўлдим.

Онам невара кўргандай суюниб кетдилар. Қўлларига олиб узоқ тикилдилар, айлантириб кўрдилар ва юпқагина китобчани кўзларига суриб, йиғлаб юбордилар:

— Худога шукур... Раҳматлик отангиз бўлганда ер-кўкка сиғмай кетарди барака топгур, — дедилар.

Мен эса болалик кўчаларида кезардим. Баланд супали уйни бузгандилар. Чўпкори иморат ёғочларини айириб олаётганда оқ матога ўроғлиқ бир нарса сочилиб кетди. Бир қучоқ китоб! Биров қўрқиб кетди. Кимдир қизиқиб китобга қўл урди. Онам оҳиста, нималарнидир ғичирлаб, китобларни қўлга олдилар. Аввалаб ўпдилар, кўзларига сурдилар, ҳеч нарса демай йиғиштириб, уйга олиб кирдилар. Қоронғу тушганда сарандозларини ёпиниб бўҳча кўтариб чиқиб кетдилар. Бўҳчада ўша китоблар бор эди. Олим ва фозил мулла Ражаб бобога элтиб берган эканлар кейин билсам.

Шоирлик — ярим пайғамбарлик дердилар, онам.

— Элнинг эртасидан башорат қилдингми, шоир?

Онамнинг доно таъбирларини эсласам тилимда шу савол айланаверади, айланаверади...

Саҳро

Қорақалпоқ шоири И. Юсупов шеърларини ўзбекчага ўгирдим. Газетада босилиб чиқди. Бир куни Ёзувчилар идорасида устоз Миртемирни учратиб қолдим. Устоз камтаринлик билан ҳол-аҳвол сўрадилар, қорақалпоқчадан таржималаримни ўқиганларини айтдилар.

— Хўп яхши иш қилибсиз. Таржималар дуруст. Саҳрои шоирда булбул тимсоли бўлмайди. Тўрғай бўлади, тўрғай, — дедилар устоз чўзиб.

Дарҳақиқат, аслида тўрғай эди, қофия учунмикан, булбулга алмаштирган эдим. Шу-шу аслиятга хилофсиз ўгиришга одат қилдим.

Устоз ҳар бир мисрамни диққат билан ўқиб, ё сим қоқиб ёки ишхонамга келиб фикр айтардилар. Иттифоқо, кўнгироқ жиринглаб қолди:

— Радиода дуруст шеърлар ўқидингиз. Баракалла. Ҳалиги «Юрак» деган шеърингиз ўйноқи, оҳанглари яхши. Юрак парвоз қилмайди-да! Кўнгил парвоз қилади, кўнгил. Юрак ёнади, ҳаҳа, ёнади, — дедилар.

Шеърни «Кўнгил» деб сарлавҳаладим. «Юрак» сўзи ўрнига «кўнгил»ни қўйдим. Дарҳақиқат, кўнгил парвоз қилар экан ўйлаб кўрсам...

Парвоз

Рост қил тип бирла дилни,
шубҳалардан асрагил,
Кори бору ранжу ланж
каж нусхалардан асрагил.
Қатра сув тотдим —ўзим қазган
қудуқдандир насиб,
Бебилиска молу давлат,
туҳфалардан асрагил,
Кун каби озода бўлсин
Ҳимматинг ойнаси,
Қилдан ғзлар минг қийиқ
бад жабҳалардан асрагил,
Соядан қўрқиб яшар ким—
тизгасинда ғилвати.
Фикру Руҳни ўлдирар
наҳс шарпалардан асрагил.
Гарчи арслонсан кучу қувватда
танҳо ҳукми зўр,
Худписанд ўлма, ининг
қумурсқалардан асрагил.
Ваҳши, дўстлик ўртасинда пона —
ғийбат қуллари,
Ёр, алардан асрагил,
минг бор алардан асрагил!

31 июль.

Янги шеърлар

Раҳбар

Халқ туғаверади даҳоларини,
Афшонада янги Синоларини,
Торобийдек жони фидоларини
Туғаверади.
Гулистонда туғар, зиндонда туғар,
Аёзда ғунчалаб, мезонда туғар,
Пахта тераётиб хирмонда туғар,
Куч йиғаверади.
Куч йиғаверади, ажал хор қолар,
Заҳрини санчолмай неча мор қолар,
Халқ — йигит, осолмай неча дор қолар,
Халқ зўр чиқаверади.
Халқ зўр чиқаверади, гуллайверади,
Эканидан мева тераверади,
Ўтга, жанг-жадалга кираверади,
Рақибини йиқаверади.
Ит ҳураверади, карвон ўтаверади,
Не-не ман—манлари йитаверади,
Отган тоши ўзин йиқаверади,
Халқ—доно Онадай чидайверади...
Ҳай, нотиқ, бас қил-ей, оғзингга шамол,
Ниятинг ўзингга сийлов, қайтиб ол,
Халқ шундай бир кучки, буюк, баркамол
Лаҳзага
асрни жойлаб бемалол,
Ул туғаверади дунёларини,
Шоҳларини, гадоларини!

26 апрель, 1988 йил.

* * *

Эркининг зуваласи ўтдан қорилмиш,
Булбул кўз ёшидан, сутдан қорилмиш,
Шамол дояли булутдан қорилмиш,
Булут, уйғотсанг-чи майсаларингни!

Ўтнинг тишларида пўлод гуллайди,
Пўлод тиғларида нажот ухлайди,
Ҳар тонг бул нажотни умид йўқлайди,
Пўлод, зулматга санч найзаларингни!

Булбулнинг кўз ёши кўл бўлди лим-лим,
Сабр тошди сутдай, парт бўлди кўнглим,
Менинг Ғурур деган жонажон синглим,
Уйғот бу ҳокисор майсаларингни...

1 август.

Баҳшанда

Фарзанд қобил эса—юртининг юзи...
Қора ширингина, иссиқ юлдузи,
Хожайн Жаҳонда биттадир ўзи,
Дарди кўп-у, дармони йўқ Ватанда
Дармон бўлиб яшаяпсан, Бахшанда.

Ерга боқсанг—ҳаста жайрон оҳ урар,
Кўкка боқсанг —кўнгли вайрон оҳ урар,
Шуурингда Ғиждувондай моҳ турар,
Зарафшонинг пўртанаси бу танда,
Бўрон бўлиб яшаяпсан, Бахшанда.

Торинганга тор бу дунё, мунисим,
Бозиллаган зор бу дунё, мунисим,
Минг хил макри бор бу дунё, мунисим,
Кенг феълидан дунё топар ҳар банда,
Жаҳон бўлиб яшаяпсан, Бахшанда!

Дил баҳрида гавҳар эмас, тошлар кўп;
Ғафлат дўли эгиб ўтган бошлар кўп,
Юрагингни шундай ўйлар ғашлар кўп,
Тўмарисни соғинган бул масканда
Тўғён бўлиб яшаяпсан, Бахшанда.

Шиддатингдан кўз очсайди карахтлар,
Томирларин қурт кемиргай дарахтлар
Баҳра олса, ҳақин таниб бадбахтлар...
Мардлари мўрт семизўтдай чаманда
Эрмон бўлиб яшаяпсан, Бахшанда!
Дармон бўлиб яшаяпсан, Бахшанда!

1 август.

Иқтиҳсо

Дарё десам, балиқлари йўқ экан,
Тоғ дегандим, кийиклари йўқ экан,
Алпомишнинг ўқ-ёйини занг босмиш,
Кўтармоққа лойиқлари йўқ экан,
Бул қавмни ўзинг асра, худойим!

Пулдорлари ўтса давра тўрига,
Қўйчивонлик маҳри тушса бўрига,
Ношудлари гуллаб юрса оғзидан,
Шайтон ошно бўлса пинҳон сирига,
Бул қавмни ўзинг асра, худойим!

Эшигининг остонаси йўқ бўлса,
Дардларининг дарманаси йўқ бўлса,
Сувлиқ билан сув кечмаса эрлари,
Дардларининг дармандаси[1] йўқ бўлса,
Бул қавмни ўзинг асра, худойим!

Қизил юзи сарғайса, эл қул бўлар,
Уз қўрғонин қўрғамаса, кул бўлар,
Ғурур деган ўти ўчиб, кул босса,
То ўлгунча оёғида ғул бўлар,
Бул қавмни ўзинг асра, худойим!

1989 йил.

1 — дарманда — шифобахш гиёҳ.

ТОҒЛАРНИНГ қўксида жойлашган Хожа Обигарм шифо масканида ҳаёт қайнайди. Бунда ўзбекча салом берган ҳамроҳингиз тожик, тожикча сўз айта бошласангиз, суҳбатдошингиз ўзбек бўлиб чиқади.

Бир-биридан кўркам, чиройли либосларда кўр тўкиб юрган келинчаклар, сипо аёллар чеҳрасида майинлик, сокинлик. Қадрдонингдек иссиқ кўришишади, қуюқ салом бериб ўтишади.

Мусаффо, ҳарир ҳавода дил яйрайди. Нозик, шойи шабадаги юз тутасан. Шаҳарнинг дим ҳавосида қурум босган ўпкалар бу зилол ҳавони симиради. Худди булоқ сувидек! Афсонавий жаннат булоғининг сувидек! Лоф эмас бу. Тоғларнинг биқинларидаги бодомлар, олмалар шиғил ҳосилдан шохлари ларзон. Ёввойи нокларни қоқиб, териб олаётган зиёратчи болакайлар улоқчадай ирғишлайдилар.

Тоғ Тожинисо, тоғ Ижобатхон билан булоқ бошига бораман. Тоғ сийнасидан биллур томчилар чакиллаб томиб ётади. Бетон супачада ҳамиша иккита шиша армуди тайёр. Ўтган-кетган сув ичиб, мириқиб, Хожам пир ҳақларига дуо ўқиб, бир нафас шаршара сувини томоша қилишади.

Сой тошдан-тошга сакраб кийикдай ўйноқлаб, ёнғоқзорлар оралаб бир зумда кўзга кўринмай қолади. Узун тераклар сирли шивирлайди. Табиатнинг беҳад гўзал ва муқаддас гўшаларига ярашмаган темир қобирғали баҳайбат бино тоғнинг бир узвига ўхшайди. Унинг бир қаноти улкан асалари уясини эслатади.

Эрта тонгдан мўъжаз бозорчада Зидди, Ҳушёри қишлоқларининг неъматлари тўлиб кетади.

Табиб феълли тожик аёллар турфа шифобахш гиёҳларни расталарга ёйиб қўйишади: заргулдак, бўғмак, мойчечак, решаи ҳаёт...

Бодом ёғи, суғур ёғи, юмрон гўшти.

Шинаванда, одамохун, мағрур тожик қизларига мафтун боқаман.

Мавжуданинг сўлим, дилбар шеърларига, Гулрухсоранинг қайноқ, ишқ ёғду сочиб турган рубоийларига бунча ўхшайди, бу нозанин қизлар?,

Шифохона биқинида булоқбоши бор. Курсиларда тизилиб туришган одамларга табиатнинг сокинлиги, хотиржамлиги кўчган. Бир қанотдан Жўрабек ҳофизнинг, бир тарафдан Ортиқ Отажоновнинг қўшиқлари янграб, бир-бирига аралашиб кетади.

Бир йўл бўлиб Хосиятхон, Тўхтанисо опа, жирғатоллик қирғизмомо намозшом сайрига чиқадилар. Гоҳ тожикча, гоҳ ўзбекча, гоҳ қирғизча шева Оби гарминг хушбўй шабадаларига қўшилиб, эшилиб кетади.

Табиат мўъжизаси билан шифобахш родон булоқлари қайнаб ётган масканда Инсон ўз ибтидосига қайтган — Момо Ҳавою Одам Атонинг фарзандлари эканига иқрор бўлган лаҳзаларни кўрдим.

Шифобахш булоқлар юрти бу...

Гоҳ Тожинисо, гоҳ Ижобатхон билан булоқ бошига бораман. Тоғ сийнасидан биллур томчилар чакиллаб томиб ётади. Бетон супачада ҳамиша иккита шиша армуди тайёр. Ўтган-кетган сув ичиб, мириқиб, Хожам пир ҳақларига дуо ўқиб, бир нафас шаршара сувини томоша қилишади.

Сой тошдан-тошга сакраб кийикдай ўйноқлаб, ёнғоқзорлар оралаб бир зумда кўзга кўринмай қолади. Узун тераклар сирли шивирлайди. Табиатнинг беҳад гўзал ва муқаддас гўшаларига ярашмаган темир қобирғали баҳайбат бино тоғнинг бир узвига ўхшайди. Унинг бир қаноти улкан асалари уясини эслатади.

Эрта тонгдан мўъжаз бозорчада Зидди, Ҳушёри қишлоқларининг неъматлари тўлиб кетади.

Табиб феълли тожик аёллар турфа шифобахш гиёҳларни расталарга ёйиб қўйишади: заргулдак, бўғмак, мойчечак, решаи ҳаёт...

Бодом ёғи, суғур ёғи, юмрон гўшти.

Шинаванда, одамохун, мағрур тожик қизларига мафтун боқаман.

Мавжуданинг сўлим, дилбар шеърларига, Гулрухсоранинг қайноқ, ишқ ёғду сочиб турган рубоийларига бунча ўхшайди, бу нозанин қизлар?,

Шифохона биқинида булоқбоши бор. Курсиларда тизилиб туришган одамларга табиатнинг сокинлиги, хотиржамлиги кўчган. Бир қанотдан Жўрабек ҳофизнинг, бир тарафдан Ортиқ Отажоновнинг қўшиқлари янграб, бир-бирига аралашиб кетади.

Бир йўл бўлиб Хосиятхон, Тўхтанисо опа, жирғатоллик қирғизмомо намозшом сайрига чиқадилар. Гоҳ тожикча, гоҳ ўзбекча, гоҳ қирғизча шева Оби гарминг хушбўй шабадаларига қўшилиб, эшилиб кетади.

Табиат мўъжизаси билан шифобахш родон булоқлари қайнаб ётган масканда Инсон ўз ибтидосига қайтган — Момо Ҳавою Одам Атонинг фарзандлари эканига иқрор бўлган лаҳзаларни кўрдим.

«Феруза» ойномасининг бош муҳаррири, шоира Мавжуда Ҳакимова, мусаввира Адолатхон ва шоира Меҳринисо бизни йўқлаб келадилар. Мафтун Жўра,, Ўлмас Жамол, Зикриллоҳ Иброҳим ака билан суҳбат қурадилар.

Зангори калавадай чулғаниб ётган Варзоб бўйлаб Зидди қишлоғига борамиз. Сув ҳам шундай забаржад тусли бўладими? Тоғларда мармар қобирғалар бўртади. Бир тутам кумуш кокиллардай шаршара сочилиб ётади. Қиррадор қояларда қор оқариб кўринади. Тоғ ён бағриларида молҳол ёйилиб, ризқини териб юрибди. Зидди қишлоғидаги аҳли аёл сойлар бўйида қушдай тизилиб, идиш-товоқ, кўзаларни ярақлатиб ювиб турган пайти экан. Қизлар, келинчаклар меҳрибонлик билан, шўх бир оҳангда салом беришади, меҳмонга чорлашади.

Қишлоқдаги мактабда мушоира бошланиб кетди. 7-синф ўқувчиси Меҳрижон гоҳ Мавжуда, гоҳ Гулрухсор, гоҳ Норинисодан ҳаяжон билан шеър ўқийди.

Мактабнинг ҳар бир равоғида, синфхоналарда Шарқ шоиру фозилларининг ҳикматли байтлари битилган. Унут бир қишлоқчада яшаётган шоиртабиат, оқ кўнгил болаларнинг чеҳраларига боқиб қувонасан!

Улар барчаси ўзи ҳоҳлаган либосида, миллий кийимларда, дўппилари ўзига беҳад ярашган эди.

Умуман, тожик қизлари, аёллари ҳурроқ, эркинроқ, жасурроқ кўринади менга!

Уларнинг бир тўпи тўйга боришаётган эдилар: баҳорнинг барча ранглари бир ерга жамлангандай, уларга боқиб кўз қамашади! Биз эса мактаб болани бир қолипга солишни истаб қоламиз! Ўраган рўмолию дўпписигача чиғириқдан ўтказишни бирам яхши кўрамиз!

Бизни Ойбегим кампирнинг уйларига таклиф этишди. Бу уйнинг қурилганига уч аср бўлган экан. Устунлари арчадан. Ҳозир бу хонадонда невара келин Момосайида турар экан. Йўлга кирмаган икки гўдаги бор. Салқин, ораста, фариштали бир маскан. Деворда чилдирма, дутор. Рўмолчага тугилган Қуръони карим уй шифтида илиғлиқ. Бу қишлоқчанинг ёлғиз дипломли келинчаги Гулжамол Шоева экан.

Зиддида қўйди-чиқди йўқ. Оила муқаддас ибодатгоҳ саналаркан. Қалин пулларию, сепу-сарпо масаласи ғоят оддий, камтарона. Қалин учун йигит томон бир машина ўтин ёки мол-ҳол учун ҳашак берар экан.

Кичкина қишлоқча тўйларининг файзи ўзгача, расм-русумлари даҳмазасиз, қуда тарафга оғир тушмайдиган мезонда бўлар экан.

Бу қишлоқ уйлари этагидан сойлар буралиб ўтар, яшилликнинг оромбахш қанотида ҳовлилар сеҳрга, фароғатга чулғаниб ётар.

Бокира, пари табиатнинг софлиги, нафислиги одамларнинг қалбига кўчгандай.

Қизлари-келинлари ҳунарпеша, каштадўз, оиланинг жони эканлар.

Электр нурлари, ваҳимали техник тараққиёт гулду роси кириб бормаган қишлоқчада эртаклардагидай сирли ва сокин бир ҳаёт давом этади.

Бунда болалар йўргакдан чиқмай шеър тилида сўйлайдилар, Фирдавсий ва Жомийдан, Турсунзода ва Лойиқ шеъриятидан баҳра олиб улғаядилар.

Зеро, қисмат кулоли тожикларнинг зуваласига бир чимдим шеърият оловини кўпроқ солганга ўхшар...

Шеъриятга мафтун халқда меҳру-оқибат, озодлик ва Ватан фахри ҳисси кучли бўлади. Табиатнинг нозик жойларидан, яратганнинг ўзидан бу юртга хотиржамлик тилайман.

Ҳаётнинг

Бу куймакликдан ошиқ, сеи,
Топибсанки сурур энди,
Туғиб васлу вафога кун,
Жафо шўри қурур энди.

Чечаклар — нозанин ёшлик,
Боғингда қулф урур энди,
Мунаввар айлар умрингни
Бу нур энди, бу нур энди...

1988 йил.

Ғазал

Кел, эй парвонадек, маҳбуб,
Узингни шамга ур энди.
Бу парвона кунлик малҳам,
Шифо деб кўзга сур энди.

Ҳаётнинг

Қулим—қамчин,
Оёғим—олтин!»,
«Алиф. Лом. Мим...»
Овутар дуо.
Чекинади ваҳима, рўё.
Майса каби шивирлар илинж.
Кўзларингга уйқу тўлади.
Болишингга ёғилар севинч.
Илтижою дуо сеҳрига
Фаришта омин дер, сени
тинглайди.
Қулоғига пахта тиқкан шаҳарда
Ишларингни худо ўнглайди...

Август, 1992.

Ҳаётнинг

Уйқунг ўчди ярим хуфтонда,
Юрак санчар,
Азоби —жонда,
Кийик бўлиб қочдимми уйқу!
Хаёл маккор, тилда оғу.
Чириллайди асаб-қўнғироқ.
Қолган ишга ёққан қор заҳри
Жунжиктирар, тоқатларнинг тоқ.
Вайрон бўлар умидлар шаҳри.
Улда-жўлда қолган иморат.
Ярим йўлда режалар ғамгин.
«Савил шамол, айлама ғорат,

Ёдгорлик

Ташландиқ харобот.
Ваҳима макон.
Улат дорингандай кимсасиз қўрғон.
Бир сенинг мақбарнинг қолибдир омон,
Ғўзал Жоникахон.

Темир дарвозани вждар сукунат
Қўриқлаб ётадир, тиншлари— зулмат.
Пахса деворлари нураган хилват—
Зоғ учмас макон.

Кўзнинг қорамидир, қуралаймидур!
Рухинг кабутарми, чағалаймидур!
Ғариб қабрингга ой мўралаймидур!
Эй моҳитобон!

Пойингга етолмай, денгиз оввора.
Қояларда бўрон йўнар гаввора.
Қирқ йигит қирқ ғорда маст уйқу ора
Кутадир фармон.

Амр эт, Чуфут қалъа суронга тўлсин,
Қирқ йиллик бож ортган карвонга тўлсин,
Расталар зар тўла дўконга тўлсин,
Ерга кирсин жон.

Ғиштинг ғам лойидан қорганми раббон:
Унсиз йиғлаб ётар мақбарнинг ҳамон.
Ёлғизликка мангу тўлайсан товон,
Ғўзал Жоникахон,
Ёзуғи — армон...

Крим 1984 йил.

Сўфиёна

Қалб-манзараларидан

Низом лойиҳаси муҳокамада

КУНИМИЗГА МАҲАЛЛА ЯРАЙДИ

Маҳалла жамоаси танланган раиси сифатида Ўзбекистон Республикасининг маҳалла қўмиталари тўғрисида»ги Низом лойиҳасига қўйидаги таклиф ва мулаҳазаларимни билдирмоқчиман.

● 12-модданинг «Г» банди қуйидагича тўлдирилса: жамоат тартибини ва маҳалла ҳудудида яшаётган фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашда шу ҳудудга биркитилган миршаб билан бевосита ҳамкорликда тузилган дастур асосида фаолият кўрсатиш.

● 22. Маҳалла бюджети;

а). Маҳалла бюджетига район ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасидан келадиган тушумларнинг миқдори ва вақти бевосита маҳалла қўмиталари билан олдиндан ҳисобкитоб қилинган келишувлар асосида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилиши шарт, деган маънода тўлдирилса.

б). Маҳалла ҳудудида жойлашган тақкилотлар, муассасалар, ширкатлардан маданий-маиший ва оқартув тадбирлари учун ажратмалар ажратиш республика ташкилотлари тўғрисидаги Қонунда кўрсатилмаган. Мазкур қонунга ўзгартишлар киритиш кўзда тутилаётган бўлса, унинг миқдори ва вақти аниқ кўрсатилса, маҳалла қўмиталари ҳам манфаатдор бўларди.

Т. НАЗАРЖАНОВ,
Тошкентдаги Маннон Уйғур номли маҳалла қўмитаси раиси.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳалла қўмиталари тўғрисида»ги Низом маҳалладошлар даврасида муҳокама қилиниб, тубандаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

1. Маҳалла ҳудудидан кўчиб кетувчи фуқароларга уй дафтаридан ўчирилганлиги, уйжойга тегишли солиқ қарзлари йўқлиги ва озиқ-овқат ҳужжати ҳақида маълумотнома ёзиб борилса.

2. Маҳалла аҳли ҳам дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги қонуннинг бажарилишига кўмаклашса.

С. ҲАМДАМОВ,
Қўқон шаҳар, 18-маҳалла қўмитаси раиси.

* * *

Маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низом жамоатчилик билан биргаликда ўрганилиб чиқилди ва асосан маъқулланди. Навбатдаги семинар-мажлисимизда маҳалла қўмиталарининг раис ва котиблари иштирокида фаоллар фикрини мулоҳаза этиб, қуйидаги таклифларни киритишни лозим топдик:

1. Низомнинг III-қисм 22-моддаси «Б» бандида айтилган: маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилотлар, муассасалар, ширкатлар ва бошқалардан маданий-маиший ва оқартув тадбирлари учун мўлжалланган ажратмалар, деган ибора ўрнига маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилотлар, муассасалар, ширкатлар ва бошқаларнинг олинадиган соф фойдасидан бир фоизини маҳалла бюджетига ўтказиш.

2. Шу қисмининг 22-моддаси «Г» бандида: уй олди-сотдисидан давлат нотариал идорасига тўланадиган пошлина ва маҳаллий солиқларнинг маълум (5 фоизи), қисми, шунингдек, фуқаролар ва бошқалардан шахсий ёрдам учун берилган ҳамда тегишли меҳр-шафқат жамғармаларидан келиб тушадиган маблағлар, дейилган. Бу шундай ёзилса: Уй олди-сотдисидан давлат нотариал идорасига тўланадиган пошлинанинг 10 фоизи, маҳаллий солиқларнинг 5 фоиз қисми, шунингдек, фуқаролар ва бошқалардан шахсий ёрдам учун берилган ҳамда тегишли меҳр-шафқат жамғармаларидан келиб тушадиган маблағлар,

М. МАЛЛАЕВ,
маҳалла қўмиталари ишини мувофиқлаштириш Қўқон шаҳар Кенгаши раиси.

У. НАЗАРОВ,
кенгаш котиби.

● «Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига



Устоз, олтин медалингиз муборак!

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

●

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрда

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:

Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Нуриддин ҲАЙДАРОВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Мирза ХОЛМЕДОВ,
Обид, Собит АСОМОВЛАР
Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ

лар таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали намойиш этилиши кўзда тутилмоқда.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

АДИБЛАР МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

⊙ Бир гуруҳ ёзувчи ва адабиётшунос олимлар Қашқадарё вилоятида бўлиб, меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказдилар.

Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, адабиётшунос олимлар П. Шермуҳамедов, Б. Қосимов ва бошқалар бор.

Ульянов, Муборак, Косон ва Қамаши районларида бўлиб ўтган қизиқарли учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокама этилди. Республика Президенти И. А. Каримовнинг мураккаб иқтисодий жараёндан чиқиш борасида амалга ошираётган тадбирлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Ижодкорлар билан бўлган мулоқотларда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, вилоят партия кенгаши котиби Р. Ражабова иштирок этдилар.

Мусо КАРОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Ҳозирги кунда сайёҳлик дунё бўйича кенг тараққий этаётган соҳалардан бирига айланиб қолди. У эндиликда ёлғиз дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, ўзида сиёсий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий манфаатларни ҳам акс эттирмоқда.

Мазкур китобда Ўзбекистон туризмининг истиқболи ва муаммоларига оид масалалар ёритилган. Жумладан, миллий ва халқаро туризмнинг мавжуд тизимини тубдан қайта қуришнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилади.

Китоб сайёҳлик соҳасида ишлаётган мутахассисларга, олий ўқув юртлари талабаларига, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

● Шаҳар кўзгулари

„ҲОЖАТБАРОР“ ТИЖОРАТЧИЛАР

Газетамизнинг 1992 йил 7 август сонида «ТИЖОРАТ НИҚОБИДАГИ ҚАРОҚЧИЛИК» рейд материалини эълон қилган эдик. Унда Тошкент шаҳридаги бир қатор тижорат дўконларидаги тартибсизлик, юлғичлик, харидор ҳақига хиёнат қилиш каби салбий ҳоллар кескин танқид қилинган эди. Редакция «Шаҳар кўзгулари» рукнини республикамиз шаҳарлари бўйлаб давом эттиришга аҳд қилди. Қуйида навоийлик тижоратчилар «фаолияти» билан танишасиз.

Бугун қуёш ҳам, ой ҳам «ишбилармонлар»га боқмоқда. Агар қуёшу-ой уларга кулиб боқмаса, даллолу-олибсотар, тижоратчи-ю—воситачи бу қадар кўпаярмиди? Ҳозир қаерга қараманг, жиғилдон касалига гирифтор тижоратчининг ҳамёнини қаппайтираётган воситачини учратасиз. Айниқса, анқонинг уруғидан тортиб, тошбақанинг тухумигача муҳайё қиладиганлар ҳаддан зиёд.

Айни пайтда биргина Навоий вилоятининг ўзида юзга яқин тижорат дўконлари мавжуд. Навоий шаҳрида эса бу сингари дўконлар 35 та. Бироқ шакар, ёғ, ун билан савдо қилувчи ёҳуд харидор талабини қондирувчи дўконлар бармоқ билан санарли. Лекин чет элда ишлаб чиқарилган «Адидас», «Монтана» ҳар қайсиси 1,5—2 минг сўм турадиган, «красовка»ларни қалаштириб ташлаган тижорат дўконлари ниҳоятда сероб. Шундай бўлгач, харидор қаерга бошини урсин? Оддий фуқаро бугун тийин тугул сўм билан ҳисоблашмайдиган тижорат дўконидан, дўконда фолбин мисол «фол» очаётган тижоратчидан дод демоқда.

Бироқ яна бир филдан пашша, пашшадан эса фил ясаётган тижоратчилар чиқиб қолдики, нарвонсиз осмонни, тиргаксиз ерни ушлашади. Буларни бемалол «ишбилармон», жуда бўлмаса «ҳожатбарор» тижоратчилар, дейиш мумкин.

Навоий шаҳридаги 14-дўкон биносидаги Афғонистон уруши фахрийларига қарашли тижорат-воситачи дўконида «сахий-саховатли» тижоратчиларидан бири ишлайди. Бу сотувчи Ф. Сафиулинадир. У асло ҳисобидан адашган, ўз чўнтагига хиёнат қилган инсон эмас, аммо текин пул деса, мўмай даромад бўлса ўзини томдан ташлайди. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас, деганларидек, тижорат дўконларида оммавий рейдлар ўтказилаётган куни ҳам Сафиулина чўтдан ҳам, чўнтакдан ҳам адашмади. У назорат савдоси ўтказилганда биргина оёқ пойабзали ва аёллар лак бўёқларидан роппа-роса 323 сўм 60 тийинни уриб қолди. Хўш, буни қандай тушунмоқ керак? Нима, тижорат дўкони Сафиулинанинг шахсий бойлик орттириши учун очилганми? Агар ҳар бир харидордан у ўртача 300 сўмдан уриб қолса борми, кечгача бу «ҳожатбарор» тижоратчи чўнтак тугул қопни пулга тўлдиради-ку!

Дўкон мудири ким дейсизми? Марҳамат танишинг: чўнтак қоқишда, ҳеч бўлмаса харидорга «ён» босишда Ф. Сафулинадан бир поғона ошиб тушадиган В. Русановдир. У мудирлигиданми ёки йўлгирлигиданми фойдаланиб, дўконга сотиш учун у ёки бу нарсани топширган шахсларнинг пулидан 25 сўмини ҳеч бир асосиз, ҳужжатсиз олиб келган. Бу ҳам етмагандек, устаси фаранг сотувчилар савдо қонун-қоидаларини қўпол равишда бузиб, 24 турдаги қимматбаҳо молларни ўз вақтида қайтариб баҳоламай, текинга айёрлик қилиб келишган.

Машмашанинг энг қизиғи шаҳардаги Афғонистон уруши фахрийларига автомобиль эҳтиёт қисмлари сотадиган тижорат-воситачи дўконида экан. Бу дўконга ҳам А. Сергиевга ўхшаган юлдузни бенарвон урадиганлар ин қуриб олишган. Рейд куни бу ерда ҳам назорат савдоси ўтказилганда сотувчи А. Сергиев кўзини лўқ қилиб, харидордан 290 сўм уриб қолди. Фақат шуми? Йўқ, албатта! Бу дўконда ўнлаб автомобиль эҳтиёт қисмлари, жумладан радиатор қопқоғи, багаж қулфи, тормоз колодкаси, реле-регуляторлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги «Алишер» номли хусусий фирма ҳам текширилганда сотувчи Ю. Хасанов харидорларнинг 210 сўмига ҳиёнат қилди. Ахир, 1 сўм ҳам пул-ку! Шу бир сўм учун ҳам меҳнаткаш фуқаро тер тўкади, деҳқон эса кетмон чопади.

Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, қадди шу аҳвол. Сотилаётган молларнинг 60 фоизида нархлар ёзиб қўйилмаган. Дўкондаги 24 хилдаги қиммат баҳо кийим-кечакларнинг (35780 сўмлик) ҳужжатлари йўқ.

«Ҳожатингиз»ни чиқаришда вилоят савдо бошқармасига қарашли 38-дўконнинг тижорат-воситачи дўконида сотувчи бўлиб ишлаётган О. Қаюмовга тенг келадигани йўқ экан. У саналмай саккиз дейишни яхши кўради, шекилли, назорат савдосида харидордан нақд 500 сўмни уриб қолди. Наҳотки, текин пул томоқ йиртишини ўртоқлар тушунишмаса? Ахир «ҳожатбабор»лик ҳам эви билан-да! Қачонгача халқни алдаймиз?! Дўконда биргина бу қинғирлик эмас, ҳатто ҳоким билида иш тутиб, Самарқанд холодильниклар ишлаб чиқариш заводининг Навоийдаги «Сўғдиёна» тижорат дўконини ҳам кўрдик. Бу ерда ҳам бир қатор нуқсонлар га дуч келдик. Дўконда сотилаётган молларнинг 70 фоизига нархлар ёзиб қўйилмаган. Пешма-пеш сотилаётган чинни ва сопол буюмларнинг, аниқроғи чойнак ва пиёлаларнинг бирортасида ҳам дўконга келтирилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар йўқ. Дўкон омборхонаси кўздан кечирилганда, 716 та 800 граммлик чойнак, 4572 дона 200 граммлик ва 340 дона 100 граммлик пиёлалар борлиги аниқланди. Бироқ уларнинг ҳужжатлари топилмади. Худди шундай «Афросиёб» номли кичик корхонага қарашли тижорат-воситачи дўконида ҳам кўплаб қимматбаҳо газмоллар, оёқ кийимлар, турли кийим-кечаклар ҳужжатсиз эканлиги аниқланди. Ёки «Ёшлик» кичик корхонасига қарашли тижорат дўконида ҳам ҳужжатсиз 180 сўмдан арақ ҳам сотиляпти. Бироқ ҳеч ким тижоратчилар мушугини пишт демайди. Бундан ташқари дўконда воситачилик йўли билан ўз буюмини келтириб топшираётган бирор шахснинг уй адреслари, яшаш жойлари қайд этиб борилмайди. Аниқроғи, сотувчилар ўзи хон, қўланкаси майдон, қабилида иш тутишмоқда.

Бу каби савдо қонун-қоидаларини бузишлар фақат шаҳар тижорат дўконларидами? Йўқ, вилоят районларидаги кўплаб тижорат дўконларида ҳам турли қаллобликлар, харидорларни чув туширишлар юз бераяпти. Масалан, Конимех райони марказидаги «Чорвадор» универмагидаги тижорат бўлимини мисол тариқасида оладиган бўлсак, бўлимда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳолатлар юз бераяпти. Бўлим мудири С. Жортабоева моллар ҳисоб-китобини тўғри юритмайди. Натижада моллар қолдиғи 274990 сўмни ташкил қилиш ўрнига, 135451 сўм 31 тийинни ташкил этган. Бироқ текширишда шу нарса аниқландики, 104 дона эркаклар ва аёллар оёқ кийимлари, аёллар пальтолари, спорт кийимлари, жами 1211545 сўмлик бўлган моллар дўкон омборхонасида эмас, балки хилватроқ жойда сақланган. Мақсад бу моллар хуфёна сотилган, чўнтак эса пулга тўлиши керак эди. Яхшиямки, моллар дўконга қайтарилди ва ҳужжатлар маъмурий органларга топширилди.

Жиғилдон касали ёки текин пулга мукасидан кетганлардан яна бири Н. Селивановадир. У Зарафшон шаҳар жавобгарлиги чекланган жамиятга қарашли «Саво» тижорат дўконида сотувчи бўлиб ишлайди. Селивановадаги юракни қарангки, 5870 сўмлик молни ўз шахсий уйидан олиб бориб пуллай бошлаган. Шу шаҳардаги «Ролланд» кичик корхонасига қарашли тижорат-воситачи дўконида эса 49980 сўмлик моллар воситачи низомларига асосланмаган ҳолда сотилмоқда. Ёки Навоий районидаги «Фарҳод» қўрғонида яшовчи Ф. Юсупова ўз шахсий тижорат дўконида 10200 сўмлик молларни рўйхатдан ўтказмай яшириб қолган. Бу сингари ҳатоликларни Учқудуқ, Томди, Навбаҳор районлари тижорат дўконларида ҳам кўриш мумкин.

Ҳа, ҳар замонга бир замон, деганлари шу эканда. Нима кўп — харидор ҳақига хиёнат қилаётган, оддий фуқароларни алдаб, бойлик орттираётган тижоратчилар кўп. Бизнингча, ана шундай ўзлигини унутган, текин пулга тузоқ қўйганлар билан жиддий шуғулланадиган пайт келди. Акс ҳолда «ҳожатбарор» тижоратчилар тобора кўпаяверiб, халқнинг иштонини ҳам шилиб олишлари турган гап. Тижоратчилар хуружи иштонгача етиб боришини кутиб туриш керакми? Ёки Навоий вилоят раҳбарлари бошқача ўйлашадими?

Б. АБДУРАҲМОНОВ,
Т. МИРЗАЕВ,
Навоий вилояти бўйича давлат назорати бошқармаси ходимлари.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Қувончим ичимга сиғмайди...».

Р. АЛЬБЕКОВ фотоэтюди.

Спорт

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● ОЛМАОТАДА самбо курраши бўйича жаҳон кубоги учун беллашувлар бўлиб ўтди.

Ўн бир мамлакат вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақада мустақил Ўзбекистон полвонлари муваффақиятли беллашишга ҳаракат қилишди. Жумладан, республикамиз курашчилари Озарбайжон (7:3), Белорусь (5,5:4,5), Россия (8:1) жамоаларидан устун келишди. Фақат майдон эгалари билан баҳсда 4,5:5,5 ҳисобида имконият бой берилди. Шундан кейин ўзбекистонлик полвонлар учинчи ўрин учун курашни Монголия терма жамоаси билан ўтказиб, ғалаба қозонишди. Шахсий ҳисобда чирчиқлик Дмитрий Соловьёв бронза медалини қўлга киритди.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

● ИККИНЧИ ЛИГА футбол жамоалари ҳам Ўзбекистон миллий чемпионатини якунлашмоқда.

Маълумки, мазкур лига жамоаларидаги ўйинлар уч гуруҳда давом этмоқда. Гуруҳларда фахрли ўринларни эгаллаган жамоалар биринчи лигага ўтиш учун даъвогарлик қилишга имкон топадилар. Ҳозир Қўрғонтепанинг «Савай», Чирчиқнинг «Кимёгар» ҳамда «Ситораи Бухоро» футбол жамоалари пешқадамлик қилишмоқда. Чемпионат якунида бу жамоалар юқори лигага ўтиш учрашувларида иштирок этадилар. Иккинчи лигадаги навбатдаги учрашувлар эса 24—25 октябрь кунлари бўлади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).

● «БОЛА ҒУРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАРЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ҲАЛОЛ ЛУҚМА».

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

БОШ МУҲОСИБЛАР ЭЪТИБОРИГА!

1993 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро стандартларга мўлжалланган муҳосиблик ҳисоби счётларининг янги режаси жорий этилади.

«НУР» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ

«БУХГАЛТЕР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»НИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ I КИТОБИНИ, РУС ТИЛИДАГИ I ва II КИТОБИНИ ХАРИД ЭТИШИНГИЗНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблар янги режасига батафсил шарҳлар, счётлар режасини қўллаш бўйича йўриқномалар, кичик корхоналарда бухгалтерлик ҳисоблари ва бошқалар келтирилган.

Тез орада «Бухгалтер энциклопедияси»нинг II китоби ҳам босмадан чиқади, унда бухгалтерлик ҳисобига доир янги қонунчилик ва йўриқнома — методик материаллар, шунингдек хусусийлаштириш соҳаси бўйича бухгалтер билиши лозим бўлган асосий тушунчалар ва категориялар, шунингдек масъулияти чекланган жамиятлар, акционерлик жамиятлари таъсис ҳужжатларининг намуналари ўрин олган. Мазкур китобда бундан ташқари соддалаштирилган схема бўйича журнал — ордерларни тўлдириш ва фойдаланиш тартиби ҳам келтирилган.

БИЗНИНГ МИЖОЗЛАРИМИЗ — БООБРЎ ФИРМАЛАРДИР.

Фақат бизнинг мижозимиз бўлганингизда Сиз ўз молиянгиз ва ҳисобингиз учун хотиржам бўласиз.

«НУР» ИЛМИЙ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ— БУ СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗДИР.

Шуни хабар қиламизки, «Бухгалтер энциклопедияси» ҳар бир китоби 398 сўм туради. Бизнинг реквизитлар: Тошкент шаҳар Саноат қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек бўлимидаги ҳисоб рақами — 100609038, код рақами — 172682313.

Ҳақ нақд ва пул ўтказиш йўли билан тўланиши мумкин.

Манзилгоҳимиз: 700128, Тошкент шаҳри, Қодирий кўчаси, 5-А А/Қ 1911 (Сув хўжалиги вазирлигининг биноси, 7-қават, 714-хона).

Телефон: 41-03-74, 41-26-01, ички 5-71.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика телекўрсатув маркази жамоаси таъминот бўлимининг катта муҳандиси Х. Қиличхоновга онаси **Мукамбар ая ҚОСИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, сабр-бардош тилайди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: Юсуф БЕРДИЕВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди— 21.00. Г—394. № 207. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.